

УДК: 336+334.75(575.1)

DOI: 10.56937/v7i9a7

Захидова Зулфия Халилуллаевна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

мустақил изланувчиси

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация. Мақолада кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинган ва унинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли тавсифланган, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар келтирилган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес, рақамли иқтисодиёт, тижорат банки, молиялаштириш, кредит, фоиз ставкаси.

Кириш.

Жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши даврида банк хизматлари турларини замонвий технологияларни қўллаш орқали кўрсатишни тадқиқ қилишга эътибор кучайиб бормоқда. Бу соҳада банк хизматлари турларини самарали бошқаришнинг замонавий интеграллашган ахборот тизимларини жорий этиш, тизим маълумотларининг шаффофлиги ва ҳимояланишини таъминлаш, рақамли иқтисодиёт технологияларини қўллаш ҳамда ахборот тизимларининг ўзаро ахборот интеграциясини самарали равишда амалга оширишни такомиллаштириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт ва инновацияларнинг кенг ривожланиши тижорат банклари томонидан хизмат турлари ахборот тизимларини такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам банк хизматлари турларини ривожлантириш, хусусан, унда ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Жумладан, банклар томонидан кичик ва йирик молиявий технология компаниялари мижозларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун “сунъий ақл-идрок” ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланмоқдалар. Чунки, бозордаги янги рақобатчилар барча эски молиявий институтларга таҳдид сола бошлади. Шу билан бирга янги технологиялар банк хизматлари бозорида катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Мамлакатда охириги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб, тижорат банклари хизмат турларининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялақўйилди.ри соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ- 5349- сон Фармони ҳамда 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6079-сон Фармонида банк тизими олдиға қатор янги вазифалар қўйилди. Буларнинг барчаси мазкур мақола мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Дунёда ахборот технологияларининг ривожланиши жараёнида, рақамли иқтисодиёт атамаси юзага келди ва ушбу атама биринчи марта “Электрон рақамли жамият: тармоқ асрининг афзалликлари ва камчиликлари” китобида 1995 йилда ишлатилган. Дон Тапскот (2016) бозор субъектлари фаолиятини рақамли трансформациялашнинг асосий омили рақамли маданиятни ривожлантириш ҳисобланагини таъкидланган.¹

Америкалик дастурчи Николас Негропonte (1995) томонидан “рақамли иқтисодиёт” ибораси амалиётга киритилди.² Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. Жаҳон банки 2016 йилда дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк маърузасини эълон қилинди.

“Рақамли иқтисодиёт” ибораси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс (1999) томонидан ҳам ишлатилган. Бу борада у ўзининг “Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият” номли уч жилдли монографиясини чоп эттирган. Унинг фикрича рақамли иқтисодиёт ибораси икки хил турдаги тушунчаларни ифодалайди:

- биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборотнинг устувор ўрни билан тавсифланади.

- иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти бўлиб ахборотлашган жамият ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт назарияси ўз ривожланишининг бошланғич давридадир, чунки цивилизациянинг рақамли ахборот босқичига ўтиши бир неча ўн йил авваллари бошланган.

Ушбу тушунчаларни боғлаб турадиган омил – бу иқтисодий жараёнларнинг глобаллашувида ахборот технологияларининг бирламчи ўринни эгаллаши бўлиб ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт иборасига қатор маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ҳам таърифлар берилган. Жумладан, Умаров (2018) – “Рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади» деб таъриф берган.³

Фикримизча, рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. “Рақамли” атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади.

Бугунги кунга қадар рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион технологияларнинг ролига оид илмий-амалий масалалар қуйидаги маҳаллий олимлар В.Қ. Қобулов, А.Н. Арипов, С.С. Ғуломов, Б.А.Бегалов, А.А.Мусалиев, О.Т.Кенжабоев, Қ.Алимов, Р.А.Дадабаевалар томонидан ўрганилган ҳамда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда рақамли технологияларнинг ўрни масалаларига

¹ Tapskott Don. “Электронно-цифровое общество: Плюсы и минусы эпохи интеллекта. -Киев: ITN Press, 1999.

² Манба: <https://ideanomics.ru/lectures/14006> - расмий сайт маълумотлари.

³ Алимов Р.Х. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик, - Т.: Шарқ, 2000. - 592 б.

бағишланган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Шу билан бирга, банклар фаолиятига ахборот тизимларини жорий этиш усуллари, автоматлаштирилган ахборот тизимлари асосида моделлаштириш тамойиллари, банклар фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорлиги, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш шарт-шароитлари каби муҳим йўналишлар илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганилмаган. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион технологиялар ва ғояларнинг илмий жиҳатдан ишлаб чиқилиши ва шу орқали бу иқтисодиётнинг қонуний – меъёрий асосини такомиллаштириш даврий тавсифга эга бўлсада, аммо ислохотларни амалга ошириш доимийдир. Кеча яхши натижалар берган ҳар қандай иқтисодий амалиёт бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги мумкин, бу эса ўша амалиётни такомиллаштиришни ёки янгисини яратишни тақозо этади. Бу эса мазкур тадқиқот мавзунининг долзарблигини янада оширади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида инновацион ва ахборот технолигиялари орқали фаолият юритадиган кичик бизнес субъектларининг молиявий муаммоларини тижорат банклари кредитлари орқали бартараф этишнинг қуйидаги ижобий натижалари, жумладан, мамлакат ЯИМ ҳажмининг ошиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши ва аҳоли бандлиги даражасининг ошишига ижобий таъсир этиши аниқланди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг охириги 10 йиллик маълумотларидан фойдаланиб, мамлакатда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларида банд бўлган аҳоли сони ва тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига айнан тадбиркорлик субъектлари улушига ўзаро боғлиқлигининг корреляцион-регрессион таҳлиллари амалга оширилди.

Танланма корреляция коэффициентига кўра, кичик бизнес субъектининг ЯИМдаги салмоғига мазкур соҳада банд бўлганлар сонининг таъсирчанлиги юқори бўлиб, $R=0,9597$ га тенглиги ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги салмоғига тадбиркорлик субъектларига ажратилган банк кредитларининг таъсирчанлиги ҳам юқори яъни $R=0,7686$ га тенглиги аниқланди.

Юқоридаги регрессион таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларни келтириб ўтиш мумкин: фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларида иш билан банд бўлганлар сонининг 1 фоизга оширилиши ЯИМ даги кичик бизнес субъектлари салмоғининг 8,056 фоизга ошишига олиб келади.

Таҳлил ва натижалар.

Рақамли технологиялар иқтисодиётнинг ҳолати ва тузилмасини ўзгартириб, одатдаги бизнес моделларини бузади, яқка тартибдаги хўжалик юритувчи субъектлар ва бутун мамлакат миқёсида рақобат ва рақобатбардошликни оширади, бозорлар ва имкониятларнинг кенгайишига олиб келади. Бунга Mc Kinsey Глобал институти (2015) ҳисоботида келтирилган маълумотларга асосланиб, охириги 20 йилда давом этган ўсишдан сўнг, жаҳон ялпи ички маҳсулотигадаги товарлар ва хизматлар аъъанавий оқимларининг улуши 2007 йилдаги 53 фоиздан 2014 йилда 39 фоизгача камайганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. 2005 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда трансчегаравий маълумотлар алмашинуви ҳажми 45 баробар ошди. 2014 йилдан бошлаб жаҳонда товарлар савдосининг қарийб 12 фоизи халқаро электрон тижорат орқали амалга оширилиб келинмоқда.

“The Boston Consulting Group” (2016) маълумотларига кўра, Хитойдаги электрон тижоратни ривожлантиришнинг юқори даражаси эътиборни тортмоқда.

Бунда Хитойнинг электрон тижорат айланмаси 18 миллиард долларни ташкил этиб, ушбу даврда Хитойлик истеъмолчилар интернет сотиб олиш учун тахминан 750 миллиард доллар сарфлайдилар, бу АҚШ ва Буюк Британия кўрсаткичларини бирга қўшиб ҳисоблагандан ҳам кўпроқ. Умуман, Хитой Савдо вазирлиги маълумотларига кўра, 2016 йил охиригача мамлакатнинг халқаро электрон тижоратдаги улуши 39,2 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, мамлакатда 2016-2022 йилларда қабул қилинган тармоқни ривожлантириш дастурига мувофиқ, электрон тижоратнинг ҳажми 5 йил ичида 5,8 трлн. АҚШ долларига етди. “McKinsey & Company” институтининг тахминларига кўра, 2025 йилга келиб рақамли технологиялар Хитой ялпи ички маҳсулотининг 22 фоизга, Россия учун эса 34 фоизгача ошишига олиб келади. 2025 йилгача АҚШда рақамли технологияларнинг яратилишидан кутилаётган ҳаражатлар 1,6 - 2,2 триллион АҚШ доллари даражасига етиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

1-жадвал.

2020 йил учун I-DESI субиндекслари¹

Мамлакатлар	Рақамли (I-DESI) индекси	Боғлиқлик даражаси	Инсон капитали	Интернетдан фойдаланиш	Рақамли технологиялар интеграцияси	Рақамли давлат хизматлари
Жанубий Корея	75,2	79,8	75,6	74,5	63,8	83,0
Норвегия	73,0	75,8	69,1	85,2	65,8	72,5
Исландия	72,7	72,4	80,2	75,9	75,7	53,7
Япония	68,5	72,5	69,7	73,9	53,0	75,0
Австралия	67,8	56,8	80,5	57,8	57,3	88,9
Канада	67,0	59,6	67,3	66,2	65,4	81,5
АҚШ	66,7	71,3	56,2	71,0	61,8	79,0
Янги Зеландия	65,8	55,4	79,3	58,2	55,6	81,6
ЕИнинг давлати	58,9	62,9	58,0	59,7	51,3	63,1
Исроил	55,6	54,3	57,4	58,5	45,2	65,4
Россия	47,5	38,9	64,1	48,7	29,8	56,8
Хитой	45,3	47,8	40,5	45,3	40,7	58,6
Чили	44,9	47,8	42,6	32,9	40,5	61,4
Туркия	41,5	43,3	53,1	35,9	27,7	43,2
Бразилия	39,7	39,5	39,2	33,8	27,8	62,4
Мексика	43,1	45,5	41,6	30,0	33,7	67,2

1-жадвал кўрсаткичларига кўра, Жанубий Корея, Норвегия ва Исландия биринчи учталикни эгаллаб турибди. Россия эса етакчилик қилаётган Жанубий Корейдан 27,7 фоизга ортда қолмоқда, аммо Хитой, Чили, Туркия, Бразилия ва Мексикадан юқори поғоналардан жой олган. Умуман, Россия бугунги кунда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш жараёнида юқори салоҳиятга эга давлат, деб тан олинади.

¹ Манба: EuropeanCommission. I-DESI 2019 – маълумотлари асосида тайёрланди.

Дунё тараққиётида рақамли технологияларнинг ўрни ва аҳамияти йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, техник трансформацион жараёнларнинг молиявий секторларга кенг тадбиқ этилиши банк тизимлари, тўлов операциялари, кредитлаш ва бошқа шу турдаги хизматлар самарадорлигини янада ошироқда. Молиявий хизматларни яхшилайдиган ва оптималлаштирадиган бу хилдаги технологиялар – “Финтех” (инг. “Fin Tech”) номи билан юритилувчи молиявий технологиялар ҳисобланади.


“Accenture” консалтинг (2017) маълумотларига кўра, 2017 йил дунё бўйича финтехстартлар учун жами 27,4 млрд доллар сарфланган, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 18 фоизга кўп бўлган. Кутилаётган энг муваффақиятли молиявий технологиялар рўйхатини тузувчи The Forbes Fin Tech 50 нинг қайд этишича, АҚШдаги молиявий хизматлар ва бозор капитализацияси 8,5 трлн долларга тенг маҳаллий банк секторларига жиддий рақобатчи бўлиб турибди. Таъкидлаш ўринлики, молиявий технологиялар нафақат молиявий капиталлар билан иш кўрувчи жисмоний ва юридик шахслар, балки молиявий бозорнинг ўз қиёфасини ҳам ўзгартириб юборишга қодир. Бу хилдаги ишланмалар маълумотларни таҳлил қилиш, биржадаги ҳолатларни назоратга олиш ҳамда инвестициялар учун стратегиялар танлаш имкониятини беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича ҳукумат томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (2020) “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда ҳамда рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор” деб ҳамда, “Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” деб таъкидлаб ўтганлари алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 2018 йил 30 июндаги 22/5-сонли қарорининг биринчи бандида Ўзбекистон қонунчилигига илк марта рақамли банк тушунчаси олиб киритилди. “Рақамли банк - инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартибларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади”. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан банк тизимини ривожлантириш учун 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастурини амалга ошириш, бу борада банкларнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини оширишга алоҳида эътибор бериш, ахборот

технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш, шу йилнинг 1 июлига қадар “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш ҳамда соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш каби кескин чоралар кўриш вазифаси белгиланган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши юзасидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни таҳлил қиладиган бўлсак. 2019 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 511,8 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2018 йилга нисбатан 25,8 фоизга ўсди. 2014-2019 йилларда, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2019 йилда 26,3 фоизга ошиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига 211,5 трлн. сўмга етди, кредитларнинг ЯИМга нисбатан даражаси 41,3 фоизни ташкил этди. Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин, мамлакатимизда ҳақиқатдан бунёдкорлик ишлари кенг қулоқ ёйиб, пулга талаб ошмоқда ва бу кредит билан таъминланиш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Аммо кредитларнинг ЯИМга нисбатан даражаси олдинги йилга нисбатан бор йўғи 0,1 фоизга, яъни деярли ошмаганлиги мамлакатда реал секторга ажратилаётган кредитлар етарли даражада эмаслигини кўрсатиб турибди. 2021 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 734,6 трлн. сўмни ташкил қилди ва 2020 йил билан қиёслаганда 21,9 фоиз ўсишга эришган¹. ЯИМ киши бошига 20,9 млн. сўмни ташкил қилди. 2014-2021 йилларда, Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2021 йилда 17 фоизга ошиб, 2021 йил ҳолатига 326,4 трлн. сўмга етди, кредитларнинг ЯИМга нисбатан даражаси 44 фоизни ташкил этди (1-расм).




1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва тижорат банклари кредитлари миқдорининг улуши ҳамда ўзгариш динамикаси, трлн.сўм²

¹Манба: www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

² Манба: www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Банклар фаолиятида рақамли иқтисодиётнинг қулайликлари сифатида, тўловлар учун харажатларнинг камайиши (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олиниши, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катталиги ва Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилиши мисол бўла олади.

Маълумки, рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари томонидан аҳолига инновацион технологияларни кенг жорий этган ҳолда банк хизматларини кўрсатишда интернет глобал тармоғи фойдаланувчиларининг сони муҳим ўрин тутади.



2-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони (турлари бўйича) 2021 йил ҳолатига¹

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра мамлакатда интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2020 йил бошида 20 млн нафардан ошган. Бу кўрсаткич 2019 йил бошига нисбатан 36% га ошганини кўрсатади. Мобиль интернет фойдаланувчиларнинг сони эса 3,504 млн га етган. Мобиль телефонлар аҳолини қайси ҳолати (ҳаракатдами, турғунми)дан қатъи назар, интернетдан фойдаланиш имконини бермоқда. Интернет ва мобиль алоқанинг барча фойдаланувчилари банклар учун истиқболли мижозлар ҳисобланади. Шунинг учун тижорат банкларининг масофавий банк хизматлари доирасини кенгайтириш ва уларнинг қулай томонларини кўрсатиб бериш стратегик вазифага айланган. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари – бу мижознинг масофадан берган топшириқларига асосан (банкка келмасдан) банк хизматларини тақдим этиш технологияларидир.

2-расм маълумотларидан, республика бўйича 2021 йил ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчиларнинг жами сони 10153,4 мингта бўлиб, шундан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 691 мингтани ташкил этган бўлса, жисмоний шахслар сони эса

¹ Манба: <http://infocom.uz/> сайтлари маълумотлари асосида тайёрланди.

9,4 млн.тани ташкил этди. Бу эса, 2020 йил ҳолатига (7959,1 мингтага) нисбатан банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчиларнинг жами сони 127,6% ни, мос равишда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сони (359,7 мингтага нисбатан) 186,6% ни ҳамда жисмоний шахслар сони (7599,3 мингтага нисбатан) 124,5% ни ташкил қилганлигидан далолат беради.

Ҳозирда, банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини миждоз учун ишлашга ўргатишдан иборатлигини инобатга олиб, аҳолида банк тизимига нисбатан ишончли шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралашшга чек қўйиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш, замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида хорижий мутахассислар билан биргаликда давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш жараёнларини изчил давом эттириш, ҳамда кредитлаш амалиётида «кредит тарихи» ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарурияти ортган.

Тадқиқотни олиб боришда корреляцион-регрессион таҳлиллар, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистика ва таққослаш каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

- инновацион ва ахборот технолигиялари орқали фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектларида иш билан банд бўлганлар сонининг 1 фоиз пунктга оширилиши ЯИМдаги айнан тадбиркорлик субъектлари салмоғининг камида 8 фоизга ошишига олиб келиши мумкинлиги аниқланди;

- Ўзбекистон Республикасида миллий ўсишни таъминлашда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг миқдорий ўсиши 2025 йил учун 350 трлн. сўм деб фараз қиладиган бўлсак, ушбу натижага эришиш учун банклардан талаб этиладиган кредитлар миқдори 25,543 трлн. сўмни ташкил этиши кераклиги аниқланди;

- рақамли иқтисодиёт шароитида ҳисоб-китоб тизимида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги айрим иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари тақдим этилди;

- рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ҳисоб-китоб тизимида инновацион технологияларни кенг қўллашни жадаллаштириш мақсадида шарт-шароитлар яратиш борасида тавсиялар берилди. Масалан, инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаётган, тавсия этаётган ва қўллаётган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш тизимининг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш, инновацияга асосланган хизматлар ва нарх сиёсатини оптимал ташкил қилиш ва бошқалар;

- рақамли иқтисодиёт шароитида аҳолига кўрсатилаётган масофавий молиявий хизматларнинг сони ва ҳажмини ошириш имконини берувчи зарурий шарт-шароитлар яратиш, жумладан, фуқароларга «ID» карта тизимини жорий этиш (ингл. Identity document) зарурияти ва ундан молиявий операцияларда фойдаланиш механизми юзасидан тавсиялар берилди.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон тижорат банкларининг жаҳон банклари билан ҳамнафас бўлиб яшаши интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг фаоллашувига кенг йўл очмоқда. Бир томондан интеграцион жараёнларнинг ривожланиши замонавий АКТдан фойдаланишни тақозо этса, иккинчидан, бизнес трансформациясини вужудга келтирди. Ушбу жараёнларни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш давр талаби бўлиб ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт

коррупция ва «кора иктисодиёт»нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди.

Фикримизча инновацион ва ахборот технолигиялари орқали фаолият юритадиган кичик бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича тижорат банклари томонидан қуйидаги чора-тадбирларнинг бажалишига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Ўзбекистоннинг банк амалиётида инновацион онлайн кредитлаш хизматларини йўлга қўйиш зарур.

Ривожланган давлатлар банк амалиётида кредитлаш онлайн тарзда кенг қўлланилмоқда. Бу хизмат турини такомиллаштиришда интернет тезлиги ва сифатини яхшилаш, кичик бизнес субъектларининг компьютер саводхонлигини ошириш лозим. Чунки, инновацион онлайн кредитлаш кичик бизнес субъектларини кўп куч ва вақт сарфламасдан кредитлаш амалиётига бўлган талабини қондириш билан ифодалаш мумкин.

2. Тижорат банклари кредит амалиётида хўжалик субъектлари фаолиятидаги сунъий кредит боқимандаликни юзага келтириш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида инновацион ва ахборот технолигиялари орқали фаолият юритадиган кичик бизнес субъектлари учун «кредит таътили» беришни йўлга қўйиш зарур.

Фикримизча, тижорат банклари томонидан инновацион ва ахборот технолигиялари орқали фаолият юритадиган кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитларни асосий қарз ва фоизларини қайтариш муддатларини уларни ишлаб чиқариш давридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши, унинг келгусидаги фаолиятининг ривожланишига мадад бўлган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Alex Tapscott, Don Tapscott. Blockchain Revolution: How the Technology Behind Bitcoin is Changing Money, Business, and the World, 2016, 324 pages.

2. Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент, 2004. - 24 б.

3. Haydarov, U. (2020). FINANCIAL MANAGEMENT SYSTEM, TOOLS, SOURCES OF INVESTMENT ACTIVITIES AND FACTORS. Архив научных исследований, 35(1). извлечено от
<https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3521>

4. Алимов Р.Х. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик, - Т.: Шарқ, 2000. - 592 б.

5. Дадабаева Р.А. Менеджмент информационных систем. Учебное пособие, -Т.: Iqtisodiyot, 2016. - 402 с.

6. Norov, A. R. ., Yuldashev, J. A. ., Sattorova, N. G. qizi ., Turgunova, K. S. kizi ., & Ibragimov, I. K. . (2022). The Role of the Foreign Exchange Market in Ensuring the Stability of the National Currency in the Country. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 20-27. Retrieved from <http://sjii.indexedresearch.org/index.php/sjii/article/view/207>

7. Кобулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах. - Ташкент: Фан, 1998. - 320 с.
8. Tapskott Don. “Электронно-цифровое общество: Плюсы и минусы эпохи интеллекта. -Киев: ITN Press, 1999.
9. Norov, A. (2020). TIJORAT BANKLARINING KREDIT PORTFELINI DIVERSIFIKACIYALASH ORQALI RISK DARAJASINI KAMAYTIRISH IYLLARI. *Scientific Research Archive*, 1(23). Retrieved from <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2709>
10. Мусалиев А.А., Алимов Қ. Менеджмент информационных систем. -Т.: Фан, 2007. - 342 с.
11. Abidova, D. I. ., & Khoshimov , B. B. (2022). OPPORTUNITIES IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY OF UZBEKISTAN AND ITS FURTHER ACTIONS. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1067>
12. Мусалиев А.А., Бегалов Б.А. Менеджмент информационных систем. Монография. – Т.: Фан, 2007 - 342 с.
13. Норов, А. (2022). ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ КРЕДИТОВАНИЯ В АКЦИОНЕРНО-КОММЕРЧЕСКИЙ АЛОКАБАНКЕ И ПУТИ ИХ УЛУЧШЕНИЯ. *Экономика и образование*, 23(2), 58–61. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/429>
14. Гулямов С.С., ва бошқ. “Рақамли иқтисодиётда блокчаей технологиялари”. Ўқув қўлланма 21-22 бетлар. ТМИ 2019 йил - 447 б.
15. Norov, A. (2020). TIJORAT BANKLARINING KREDIT PORTFELINI DIVERSIFIKACIYALASH ORQALI RISK DARAJASINI KAMAYTIRISH IYLLARI. *Scientific Research Archive*, 1(23). Retrieved from <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2709>
16. Гуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 722 б.
17. Abidova Dilfuza Igamberdievna. (2021). Promising measures for the development of sustainable tourism in the context of the COVID-19 pandemic. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 4, 1–6. Retrieved from <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/33>
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5349 –сон Фармони.
19. Khaydarov, U. (2019) "MODERN STATE OF FINANCIAL MANAGEMENT OF INVESTMENT ACTIVITY IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting: Vol. 2019 :Iss. 6 , Article 27. Available at: https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/27*
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ- 3832-сон Қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3620-сон Қарори.
22. Nematulloev Suxrob Sobirovich. (2021). THE MAIN TRENDS IN ATTRACTING INVESTMENTS IN SMALL BUSINESS IN

UZBEKISTAN. Academicia Globe: Inderscience Research, 2(6), 170–175.
<https://doi.org/10.17605/OSF.IO/ZT2QV>

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3945-сон Қарори.

УДК 336

DOI: 10.56937/v7i9a8

Шохжаҳон Элмуродов

PhD, "Finance" кафедраси мудири, Тошкент Кимё халқаро университети,

Тошкент, Ўзбекистон

sh.elmurodov@kiut.uz

ORCID: 0000-0002-0123-6408

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ ДАВЛАТ МОЛИЯ ТИЗИМИГА ТАЪСИРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада турли хил иқтисодий мактаблар вакилларнинг яширин иқтисодиётга оид бўлган илмий ёндашув ва қарашлари шу билан биргаликда яширин иқтисодиётнинг давлат молиясига таъсири ўрганилган. Илмий изланишга оид илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: Яширин иқтисодиёт, давлат молияси, классик, дуалистик назария, модернизация.

Кириш. Яширин иқтисодиёт атамаси мазмунини ёритиб беришда ҳамда яширин иқтисодиёт хусусида танқидий фикрларни ифодалашда қуйидаги 6 та назария муҳим омил саналади.

Бу назариялар: классик/Марксчилик назарияси, дуалистик назария, структуралист назария, формал юридик ёндашув (Maiti, Sen, Khadiullina ва бошқалар, Chen)

Модернизация ёки дуалистик назарияга мувофиқ норасмий сектор расмий секторга боғлиқ бўлмаган кам фойда келтирувчи фаолиятларни ўзига қамраб олиб, иқтисодий ночорлик даврида камбағалларни даромад билан таъминлаш масаласини назарда тутди. Бу назария икки томонлама меҳнат бозори функцияларини ўзида ифода этиб, меҳнат бозорини тўртта асосий категория, яъни асосий, иккиламчи, норасмий ва ноқонуний категорияларига бўлиб ўрганади. Асосий сектор солиққа тортилувчи ва тартибга солиб турилувчи доимий меҳнатга ҳақ тўланувчи касбларни ўз ичига олади. Иккиламчи сектор асосий ишга қараганда хавфсизлик даражаси кам бўлган касблардан ташкил топиб, унинг устидан назорат қилиб турилмайди. Бунга хизмат кўрсатиш соҳасидаги паст миқдорда ҳақ тўланадиган касбларни киритиш мумкин. Норасмий сектор ўз фаолиятини фақатгина нақд пулда амалга оширувчи кишилар жамоасидан ҳамда тартибга солинмайдиган шартномалардан ташкил топган бўлиб, унга кўра инсонлар жамоаси яширин тарзда иш берувчилар учун ишлашади. Тўртинчи категория фойда топишга қаратилган барча жиноий фаолиятларни ўз таркибига олади. Ушбу типологиянинг бир муаммоси шундаки, у синф, ирқ ёки жинсга қараб алоҳида тоифаларни ташкил қилади.